



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 19 апрель, шанба • №32 (11.523) • Эркин нархда сотилади

ЕТБ ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ТИЗИМИДА



Evropa
Tiklanish va Taraqqiyot
Banki

Шу йилнинг 4-5 май кунлари пойтахтимиз Тошкентда бўлиб ўтадиган Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТБ)-Бошқарувчилари кенгашининг XII йиллик мажлиси олдидан оммавий ахборот воситаларида ушбу нуфузли халқаро молия ташкилоти ҳусусида кўп ёзилди.

Шундай бўлса-да, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби қатор халқаро молия ташкилотларининг тарихи, ЕТБнинг улардан фарқи тўғрисидаги айрим фикр-мушоҳадалар умумий тасаввуримизни янада бойитиши мумкин.

Халқаро молия ташкилотларининг ташкил топиши иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврга тўғри келади. Дунёнинг қатор давлатларида инсоният тарихининг энг мусибатли саҳифаларидан ўрин олган ушбу уруш вайронагарчиликларини қайта тиклаш, иқтисодий шакллантириш, демократик жамият таъминлаш йўлга қўйиш ҳамда фаровон турмуш қуришда бу каби молиявий ташкилотларнинг

ҳамда халқаро тузилмаларнинг аҳамияти бекиёс бўлган.

Дастлабки халқаро молия ташкилоти бўлмиш Жаҳон банки 1944 йилда АҚШнинг Бреттон-Вудс шаҳрида ташкил топган. Аввалига урушдан кейинги Европани қайта тиклаш ишларига маблағ ажратиш билан шуғулланган мазкур банк кейинчалик Осиё, Африка, Яқин Шарқ ҳамда Латин Америкаси мамлакатлари тараққиётига қаратилган лойиҳаларни ҳам молиялаштира бошлаган.

Вақт ўтиши, тарихий воқеликнинг ўзгариши, қурраи заманимизнинг тобора глобаллашиб бориши ҳамда мамлакатлар тараққиёти учун муҳим бўлган молиявий сармояларни киритиш зарурияти янги молиявий тузил-

малар ташкил этилишини тақозо этди. Бундай зарурат 1952 йилга келиб ривожланаётган мамлакатларда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодий-тинчи молиялаштириш, тараққиёт даражасини юксалтириш, ишсизликни камайтиришга қаратилган Жаҳон банки гуруҳи аъзолари бўлмиш Халқаро молия корпорацияси ҳамда 1960 йилда Халқаро тараққиёт ассоциацияси каби турли молиявий тузилмаларнинг ташкил этилишига олиб келди.

Ривожланаётган мамлакатлар жуда кенг камровли тушунча бўлиб, улар ер шарининг турли қитъаларида учрайди. Ушбу тоифага кирувчи ҳар бир давлатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, табиий ва бошқа шарт-шароитлари, имкониятлари ҳам бир-бирига ўхшамайди. Барчаси ўз жойлашган жуғрофий ҳудуди ва қитъаси хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ихтисослашган ёндошувни талаб қилади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи А. Юлбарисов тўғрисида

Шу йилнинг 9 апрель куни Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида қуролланган жиноятчини қўлга олиш пайтида оғир яраланиб, олган жароҳати натижасида вафот этган вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Абдиқарим Юлбарисовнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўз хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва жасорат кўрсатиб ҳалок бўлган Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи Юлбарисов Абдиқарим (марҳум) II даражали "Шон-шараф" ордени билан мукофотлансин.

2. Тошкент вилояти ҳоким-

лиги (У.Мирзакулов) милиция полковниги А.Юлбарисов туғилиб ўсган Ўрта Чирчиқ тумани Ўртасарой қишлоғидаги Хумсон маҳалласи фуқароларининг муносабатини инобатга олиб, ушбу маҳаллани унинг номи билан аташ масаласини кўриб чиқсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2003 йил 17 апрель.

РУМИНИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

2003 йил 21-23 апрель кунлари Руминия Президенти Ион Илиеску расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ташриф чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама этилиши режалаштирилмоқда.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ БОШЛАНДИ



Ўзбекистон
Республикаси
Вазирлар
Маҳкамаси-
нинг Фармойи-
шига биноан
йўл-транспорт ҳодисалари-
нинг олдини олиш ҳамда
ҳаракат хавфсизлигини таъ-
минлаш мақсадида шу йил-
нинг 15 апрелидан мамлака-
тимизда "Ҳаракат хавфсиз-
лиги ойлиги" бошланди.

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилган мазкур тадбир давомида комплекс чора-тадбирлар ўтказилиши мўлжалланган. Транспорт ва пиёдалар гавжум йўллар ва чорраҳаларни белгилаб, кўрикдан ўтказиш, аниқланган камчиликлар юзасидан таклифлар тайёрлаш, транспорт воситаларининг техникавий тайёргарлигини яхшилаш шулар жумласидандир.

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Фармойишига мувофиқ ойлик давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари уни ташкил этиш ва ўтказиш комиссиялари фаолият кўрсатади. Тадбирда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга дахлдор барча идоралар фаол иштирок этади.

(ЎЗА).



СУРАТДА: корхона қандолатчилари
Ирина Фёдорова ва Улугбек Умартоевлар
иш устида.

«РОССИ-СА»НИНГ ШИРИНЛИКЛАРИ

Янгийўл шаҳридаги «Росси-Са» Ўзбекистон-Болгария қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган ширинликлар турли 18 тага кўпайди. Яъни, ўзгача таъм ва бежирим кўринишдаги олти түрдаги вафли ҳамда 12 хил янги шоколад харидорларга маъқул бўлди.

Бу йил бундай ширинликларнинг 70 миллион сўмлигини аҳоли дастурхонига етказиб берилиши кутилмоқда.

Бир кеча-кундузда 8 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхонада яна янги линияларни ишга тушириш режалаштирилган. Ҳозирда замонавий техникалар ўрнатилмоқда.

Даврон АХМАД олган сурат.

Танлов

«ЎЗ ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?»

Вилоятимиз шаҳар ва туманлари умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ана шу мавзуда кўрик-танлов бошланди.

Танлов шартига мувофиқ, у икки гуруҳ ўқувчилари ўртасида ўтади. Яъни, 2- ва 4-синф ўқувчилари ўзаро куч синашсалар, 5-, 8-синф ўқувчилари ҳам ўзга жамоага қарши иштирок этадилар.

Кўрик-танловда ўқувчилар турли соҳалардаги ҳуқуқий масалаларни саҳна кўришлари ёки савол-жавоблар тарзида ёритиб бериш-

«КАМОЛОТ» ФЕСТИВАЛИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаолият бошлаганига икки йил тўлганлиги муносабати билан жойларда «Камолот кунлари» доирасида турли тадбирлар, учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Уларда амалга оширилган ишлар таҳлил этилиб, ташкилотнинг фаолиятини янада такомиллаштириш бора-сида ёшларнинг ўй-фикрлари, мулоҳазалари ўрганилмоқда. Бундай тадбирлар, айниқса, Оққўрғон, Паркент, Бўстонлиқ туманларидаги умумтаълим мактабларида уюшқоқлик билан ўтмоқда.

24 апрель куни «Камолот»нинг икки йиллигига бағишланган байрам фестивали Ангрен шаҳрида бўлиб ўтади.

Ўз мухбириимиз.

лари лозим.

Айни кунларда танловлар Тошкент, Қуйичирчиқ, Оққўрғон туманларидаги мактабларда қизиқарли ва мазмунли қилиб уюштирилмоқда.

Ушбу босқичда ғолибликни қўлга киритган жамоалар эса шаҳар ёки туман босқичларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Ўз мухбириимиз.

Яна маркетинг ва менежмент ҳақида

Бозор кўникмаларини ривожлантириш марказида "Маркетинг ва менежментнинг замонавий услубларидан фойдаланиш асосида бозор тузилмалари фаолияти самардорлигини ошириш" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Унинг қатнашчилари – Бизнес-фонднинг виллоят бошқармалари раислари маркетинг ва менежмент соҳасидаги янгиликларни ўрганиб, ўз билимларини оширди. Молиявий хизматлар бозорида ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари, Бизнес-фонднинг кичик ва ўрта корхоналар низом жамғармаларини шакллантиришда иштироки, лизинг хизматлари кўрсатиш каби йўналишларни ўзлаштириш муносабати билан фонд тузилмалари фаолиятида янги ёндашувлар – бу ва бошқа масалалар семинар иштирокчилари томонидан батафсил кўриб чиқилди.

Машгулотлар маъруза, суҳбат ва мунозара шаклида ўтказилди. Улар давомида тингловчилар ўз ташкилотлари ва шериклари фаолиятини таҳлил қилиш, кичик ва ўрта бизнес субъектларига хизматлар кўрсатишдаги кучли ва заиф томонларни баҳолаш имкониятига эга бўлди.

Тингловчилар бошқарув меҳнатини такомиллаштириш, ходимлар билан ишлашни яхшилаш борасидаги янги услубларни ўрганиб, шахсий сифатларни аниқлаш ва ходимларнинг психологик хусусиятларини инобатга олиш асосида кадрларни танлашнинг ўзига хос услубияти билан танишди. Бу услубият Европада HDT (Hermann Dominant Instrument) деган ном олган.

Семинар иштирокчилари тажрибали тренер ва экспертлар, психологлар, Солиқ ва божхона органлари академияси мутахассислари, Халқаро молия корпорацияси томонидан амалга оширилаётган Марказий Осиёда лизинг ривожлантириш лойиҳаси ходимларининг маърузаларини тинглади.

В. НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Шу мақсадда 1959 йилга келиб Кариб денгизи ва Лотин Америкаси мамлакатлари тараққиётини молиялаштиришга қаратилган Интер-Америка тараққиёт банки ташкил этилди. 1966 йилда «қора қитъа» мамлакатлари тараққиётини молиялашга ихтисослашган Африка тараққиёт банки ҳамда Осиё ва Тинч океани мамлакатларини қамраб олувчи Осиё тараққиёт банкларига ҳам асос солинди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг вужудга келиши эса, дунёдаги сиёсий аҳвол, мафкуравий қарашларнинг ўзгариши ҳамда дунё харитасида Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг пайдо бўлиши билан изоҳланади.

Бозор иқтисодиёти муносабатларидан буткул ўзгача тартиб, маданият ва қадриятлар асосида ривожланган давлатлар иқтисодиётини тубдан ислоҳ қилиш жараёни халқаро молия ташкилотлари томонидан шу давргача юритилган амаллар ва ёндашувлардан тубдан

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўрик-танлов

ВАТАН ҲАҚИДАГИ ҚЎШИҚЛАР ЯНГРАДИ

Кўни кеча «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловининг Оҳангарон шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда ўнга яқин қўшиқ тингланди. Ўн ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган, эндигина саҳнага қадам қўйган ёш ижрочилар кашф этилди.

Ватан ҳақида ёниб куйлаш, унинг борлигига шукроналар айтиш, юртдошларимизнинг фаровон турмуш тарзини чиройли ташбеҳлар, дилрабо оҳанглар ва ифодаларда қўшиқ мухлислари қалбига етказиш, албатта, осон иш эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, танловда шаҳардаги маданият масканлари, мактаб ва ўқув юртларининг ҳаваскор ёшлари ўзаро беллашдилар. Уларнинг орасидан энг иқтидорли саккиз нафари танлаб олинди.

Шу кўни нуфузли ҳакамлар ҳайъати кўрик-танловга тавсия этилган қўшиқларни ҳолис баҳоладилар. Сайёра Баратова ҳамда Отабек Нишоновлар зўр маҳорат билан ижро этган «Ватан» қўшиғи биринчи ўрин ва биринчи мукофотга сазовор бўлди.

ЕТТБ ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ТИЗИМИДА

фарқ қилиб, айнан мана шу мамлакатлар хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда иш юритувчи халқаро банк тизими яратилишини тақозо этди.

Шу мақсадда 1991 йилда Франция президенти Франсуа Миттеран ташаббуси билан ташкил этилган ЕТТБнинг асосий фаолият йўналиши коммунизм балосидан ҳалос бўлган Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДХ мамлакатларида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, режали иқтисодиёт

шароитида яшаган мамлакатларда бозор муносабатларини шакллантириш, демонополизация ҳамда давлат корхоналарини тасарруфдан чиқариш, хусусий мулкчиликни шакллантириш ҳамда ушбу мамлакатларни жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви жараёнига тезлаштиришга қаратилди.

Аъзолари олтмиш мамлакат ҳамда икки ҳукуматлараро ташкилотдан иборат ушбу банкнинг асосий молиявий лойиҳалари йигирма етти Марказий ва

Шарқий Европа ҳамда МДХ мамлакатларида амалга оширилаётганининг сабаби ҳам мана шундадир.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси юқорида тилга олинган Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа қатор молия ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилсада, юртимизнинг ЕТТБ билан бўлган муносабатлари алоҳида эътиборга молик.

Бу ўринда ЕТТБ директорлари кенгаши аъзоси, Ўзбекистон масалалари бўйича ижрочи директори Лоран Гининг фикрларини келтириш ўринли бўлади. Унинг айтишича, Марказий Осиё мамлакатлари тарихида ilk бора ушбу нуфузли ташкилот бошқарувчилар кенгаши йиллик мажлисининг Тошкентда ўтказилиши ЕТТБ томонидан Ўзбекистоннинг улкан сармоявий салоҳиятига эга экани ҳамда минтақавий ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим ўрин тутиши тан олинаётганининг тасдиғидир.

Акмалжон ҚЎЧҚОРОВ.
«Жаҳон» АА.

СИМ ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида марказий идора масъул ходимлари, виллоятлар давлат солиқ бошқармалари ҳамда шаҳар ва туман солиқ инспекциялари раҳбарлари иштирокида сим орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Унда ўтган давр мобайнида давлат бюджети ҳамда бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси тушумлари прогноз кўрсаткичларининг бажарилиш яқунлари сарҳисоб қилинди. "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ҳукумат қарори ҳамда республика пул-кредит комиссияси ййғилиши топириқлари талабларига мувофиқ нақд пул тушумини кўпайтириш юзасидан олиб борилаётган ишлар чуқур таҳлил этилди.

Шунингдек, пул маблағларининг ноқонуний айланиши, истеъмол товарларининг четдан республика ҳудудига олиб кирилиши ва сотилишини тартибга солиш ҳамда савдо қоидаларига риоя этилиши, тўлов интизомини мустаҳкамлаш ҳамда хуфя иқтисодиётни фош этишга қаратилган кескин чоралар кўриляётир.

ЎЗА мухбири.



Ортиқали Исроилов ижросида янграган «Ўзбекистон» қўшиғи иккинчи, Комила Аллаберганова ижросидаги «Омон бўл, жонажон Ватан» қўшиқлари учинчи мукофотга лойиқ деб топилди.

Ғолиблар кўрик-талов ҳомийларининг пул мукофотлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

СУРАТДА: «Ўзбекистон қўшиқ байрами» шаҳар танловининг мутлақ ғолиби Сайёра Баратова.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Ҳамкорлик робиталари

ИТАЛИЯЛИКЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА

«Италия-Ўзбекистон» Савдо палатаси ташкил этилганига бир неча ой бўлди. Ҳолос, Унинг президенти ва шу билан бир вақтда таникли «Текинт» компанияси бошқаруви раиси Луиджи Ипертининг фикрига қараганда Ўзбекистондаги шарт-шароит итальян бизнеси учун жуда қулай.

Савдо палатасига аъзо бўлган компаниялар сони 30 дан ошди. Йил охирига бориб эса, аъзолар сони юзтага етади. Италиялик бизнесменларни республика иқтисодиётининг тўқимачилик, автомобилсозлик, озиқ-овқат саноати каби бир қатор ривожланаётган тармоқлари кўпроқ ўзига жалб этмокда.

Хусусан, италянлар тўқимачилик саноати соҳасида пиллачиликка алоҳида эътибор қаратмокдалар. Айни кунларда ипакнинг сифатини яхшилаш ва Намаганда бўйинбоғ ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масалалари устида иш олиб борилмокда.

Маълумки, «Нексия» автомашиналарининг асосий бутловчи қисмлари четдан келтирилади. Шу боис Савдо палатаси мутахассислари автомобил ойналарини шу ерда ишлаб чиқариш лойиҳасини тайёрлаш билан шу-

ғулланмокдалар. Озиқ-овқат тармоғида эса, Тошкент виллоятида шарбат концентрати ишлаб чиқариш бўйича аниқ лойиҳа мавжуд.

Бундан ташқари Италиянинг «Аления Маркони системс» компанияси Урганч, Бухоро ва Самарқанд аэропортларини қайта қуришда иштирок этди. Компания энг янги электрон усқуналари ҳисобига ушбу қадимий ва навқирон шаҳарларнинг аэропортлари замонавий кўриниш касб этди.

Шу йил сентябрь ойида Италияда ўзбек ипаги ҳафталиги бўлиб ўтади. Кейинги йилнинг кўкламида Рим, Милан ва бошқа шаҳарларда италияликлар Нукус бадий музейининг энг яхши асарлари экспонатлари билан танишадилар. Май ойида эса, Тошкентда «Италэкспо» анъанавий кўргазмаси очилади.

Қарор ва ижро

Виллоят ҳокими томонидан ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ислохотларнинг боришида йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга қаратилган қарор қабул қилинган эди.



Ушбу қарорнинг қабул қилинишига, айниқса, ўқув муассасаларидаги шарт-шароитларнинг қоникарсиз аҳволда эканлиги сабаб бўлди.

Чунончи, баъзи мактаблардаги синф хоналарининг таъмирталаблги, эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги, иситиш тизимларининг ишдан чиққанлиги, ўқув қурулларари, дарсликлар ва бошқа зарур ашёларнинг етишмаслиги бу-

гунги куннинг жиддий муаммоларига айланди.

Ана шундай ўқув даргоҳларидан бири Оҳангарон туманидаги 33-умумтаълим

юборсангиз, йиқилиб кетадигандек туюларди.

Виллоят ҳокимининг қароридан сўнг туман халқ таълими бўлими ҳамда Телов кишлоқ фуқаролар ййғини ҳамкорликда ушбу муаммони бартараф этишга киришдилар. Ҳашар йўли билан эски мактаб ўрнига спорт зали қуриш режалаштирилди. Бунинг учун лойиҳалар чизилиб, дастлабки ишлар бошланди.

Қурилажак спорт иншоотини 2003-2004 ўқув йилида фойдаланишга топшириш кўзланмокда.

Мана энди 33-мактаб ўқувчилари ҳам спорт залига ёлчийдиган бўлишди. Зора,

СПОРТ ЗАЛИДАН БОШЛАШДИ

мактаби эди. У ердаги аҳвол ўрганилганда, биргина мактаб биносининг ўзи уч ерда жойлашганлиги, улар ҳам хароба ҳолга келиб қолганлиги, ўқув жиҳозларининг тақчиллиги маълум бўлди. Айниқса, юқори синф ўқувчилари билим оладиган бино ҳаммасидан ҳам ачинарли ҳолатда, сал-пал туртиб

мутасаддиларнинг мана шу шижоатлари асносида мактабнинг асосий бинолари ҳам тўла таъмирдан чиқарилиб, ўқувчилар учун етарли шароит яратилса.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Таҳлил ва мулоҳаза

Биз Бўка туманидаги Йўлдош Хожиматов номли ширкат хўжалигида бўлиб, асосан икки масалага эътибор қаратдик. Биринчи галда қишлоқ хўжалик техникалари қандай аҳволда сакланаётгани, устахоналардаги тартиб, озодалик, трактор ва бошқа воситаларнинг ҳолати, таъмирлаш ишларининг сифати билан қизикдик.

Бу бежиз эмас эди. Чунки, вилоятда қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга бағишланган йиғилишда аксарият хўжаликларда мавжуд машина-механизмларни авайлаб ишлатиш, уларни асраш ва вақтида таъмирлаш, яроқсиз, кераксиз техникаларни иккиламчи металлومга топшириб, трактор паркларни, устахоналарни, уларнинг ҳудудини саранжом-сарийш та тутиш борасидаги камчилик ва нуқсонлар ҳақида авваллари ҳам жиддий гаплар бўлган эди.

Очигини айтиш керак, Бўка туманидаги Й. Хожиматов номи ширкат хўжалигининг техника саройи ҳам айрим нуқсонлардан ҳоли эмас, албатта. Ваҳоланки, техника воситаларини тартибли сақлаш, ҳудудни вақтида тозалаб, озодаликни таъминлаш маблағ ҳам, сарф-харажат ҳам талаб қилмайди. Раҳбар ва мутахассислар озгина талабчан, қунт ва эътиборли бўлишча кифоя.

Лекин, хўжаликда мавжуд техника воситаларини авайлаб ишлатиш, доим ишга яроқли ҳолда сақлаш борасида ўрнатилган тартиб-қоидалар бизда қизиқиш уйғотди. Чунончи, чопиқ тракторларининг ҳаммаси бутун ишчи органлари билан биргаликда энг тажрибали механизаторларга танлов асосида бирктиб қўйилар экан. Айтилди, эрта кўкламда трактор ва культиваторлар тўла таъ-



мирдан чиқарилиб, ишга шай ҳолатга келтирилгач, механизаторларга далолатнома асосида бутун жавобгарлиги билан топширилган. Улар ёз давомида ғўзага ишлов беришда пудратчилар билан чек дафтарчалари орқали муносабатда бўладилар. Мавсум якунланиб, трактор саройга келтирилгач, махсус комиссия томонидан текширилиб, қабул қилиб олинади. Агар трактор ёки культиваторнинг бирор қисми етишмас, механизаторлардан талаб қилинади. У синган ёки ишдан чиққан ўша қисмни далил сифатида кўрсатиши шарт. Барча трактор ва культиваторлар шу зайилда қабул қилиб олингач, уларнинг натижаларига қараб, ҳар бир механизаторнинг фаолиятига, касб малакасига, масъулиятни қай даражада ҳис этишига баҳо берилади. Техникага яхши қарамаган, авайлаб ишлатмай, кўп қисмларни ишдан чиқарган механизаторлар билан навбатдаги мавсум учун шартнома-далолатнома тузилмайди.

— Якуний мажлис бизнинг туманда ўтказилди, — дейди бошқарув раиси Ўктамжон Иброҳимов. — Ҳақиқатан ҳам деҳқоннинг таянчи бўлган техника-

ТЕХНИКА БУТ ВА СОЗ БЎЛМАСА,

ҳозирги шароитда чигитни тез
ва сифатли экиб олишни
таъминлаб бўлмайди

ни аянчли аҳволга солиб қўйган раҳбарларнинг масъулиятсизлигини ҳеч қандай баҳона билан оқлаб бўлмайди,

албатта. Эътироф этиш керакки, бундай ҳолат маълум даражада бизга ҳам тааллуқли. Чунки, техникамиз бут, паркимиз тартибли, ораста деёлмайман. Бирок, биз чопиқ тракторлари, чигит экиш ва ғўзага ишлов беришда зарур бўладиган бошқа техник қуролларни бутлаб, авайлаб ишлатиш ва асрашда тегишли тартиб ўрнатганмиз. Мақсадимиз — бор техникадан иложи борича унумли фойдаланишдир. Хўжаликнинг иқтисодини тиклаб олсак, бошқа керакли техникаларни ҳам бутлаш имконияти туғилади. Ҳозир эса қўлимиз қисқароқ.

Раиснинг юқоридаги мулоҳазаларидан сўнг биз иккинчи масала, яъни хўжаликнинг иқтисодий аҳволи билан танишдик. Молия-ҳисоб марказида икки-уч йиллик маълумотларни кўтариб қараганимизда маълум бўлдики, хўжалик фақат галлачиликдан фойда олар экан. Масалан, 2001 йилда 33 миллион сўмдан зиёд, 2002 йилда эса 29 миллион 700 минг сўм соф даромад кўрилган. Аммо, пахтачилик кейинги уч-тўрт йилдан буён зарар келтиряпти. Ваҳоланки, 2000 ва 2001 йилларда шартнома режаси ортиги билан бажарилган. Сабаби суриштирилса, гап

сарф-харажат, пахтанинг таннархи масалаларига бориб тақалади.

— Пахта таннархининг ошиб кетмаслиги чораларини кўришга ҳаракат қиялмиз, — дейди раис. — Бунинг энг мақбул йўли нафақат чопиқ тракторлари, культиватор ва сеялкалар, балки, ҳайдов тракторлари, дон комбайнлари ва пахта териш машиналари ҳам ўзимизники бўлиши керак. Хўжаликнинг моддий аҳволи ночор бўлишига қарамай, ўтган йили 2 та чопиқ трактори олинди. Бу йил ҳам битта чопиқ ва битта «Олтой» ҳайдов трактори учун пул ўтказиб қўйдик. Ҳадемай, улар ҳам қўлимизга тегади ва фақат комбайн ҳамда пахта териш машиналари муаммоси қолади.

Шу кунларда хўжалик пахтакорлари ерга умид билан чигит экишга киришдилар. Уларнинг ҳисоб-китобига қараганда, уруғни 8 кунда экиб олиш имконияти бор. Чунки, ўнта сеялка аввалдан тахт қилиб қўйилган. Ҳар бири билан қунига ўртача 15 гектардан экилганда ҳам 750 гектар майдон бир ҳафтага қолмай қўлдан чиқарилади. Бу йил очик жойга ҳам, албатта, гербицид билан экиш мўлжалланган. Негаки, баҳорнинг чўзилиши, ерда намликнинг кўплиги шуни тақозо этмоқда.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус мухбири.



ди-ю, югур-югури ортиқча. Фонд биржасида бир килограмм емнинг нархи 70-80 сўмгача кўтарилиб кетиши эса, дард устига чипқон бўлаяпти. Аслида, яқин вақтгача 57 сўмдан олардик. Яхшиямки, 20-30 тонна ем ўзимиздан чиқади. Ҳар йили 5-6 гектар майдонда галла етиштирамиз. Қишда қапаги асқотади. Айни пайтда 21 та соғин сигирдан қунига 10-11 литрдан сут соғиб олаялмиз. Молларнинг зоти яхши. Омукта ем тахчиллигидан қунига 18-20 ўрнига 10 килограммдан берамиз. Агар белгиланган миқдорда берилганда, ҳар биридан 20 литргача сут соғиб олиш мумкин бўларди. Афсуски, бунинг иложи йўқ. Фонд йўқ. Тўғри, шу ишнинг орқасидан оила, бола-чақамизни боқаялмиз, худога шукр, рўзимиз бут. Бирок, бу ҳозирги аҳвол. Шу кетишда, яна бирикми йилда рентабеллик даражаси тушиб кетиши ҳеч гап эмас. Чунки, таннарх ошиб кетаяпти.

Дарҳақиқат, бу ҳолат Маҳкам ёки Абдулҳақларни, балки аксарият чорвадор-фермерларни

қийнаётган муаммолардан биридир. Зеро, Оқсаройдаги йиғилишда қишлоқ хўжалиги ва умуман, иқтисодиётда ислохотнинг оқсаётгани, чала-ярим амалга оширилаётганига жойлардаги буйруқбозлик, расмиятчилик, тадбиркор ва фермернинг ишга асоссиз аралашуш каби иллатлар ҳанузгача барҳам топмагани сабаб бўлаётгани алоҳида таъкидланди. «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Президент Фармони эса, ана шу иллатларни бартараф этиш имконини беради. Чунки, ушбу ҳужжатда тайёрлов, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ишлаб чиқариш муносабатларида асосий қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчининг устувор мавқега эга эканлиги аниқ белгилаб қўйилган.

Дониёр КАМОЛ,
жамоатчи мухбир.

СУРАТДА: фермер Маҳкам Соурбоев.

Даврон АҲМАД олган
сурат.

Янгийўл туманида вилоят «Тадбиркор аёл» уюшмасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

КРЕДИТ ОЛИШ ОSONЛАШАДИ

Унда шаҳар ва туманларнинг тадбиркор аёллари ўзаро тажриба алмашдилар. Шу кунги бу ерда Янгийўл тумани «Тадбиркор аёл» уюшмаси ташкил этилди.

Шуниси қувончлики, тадбиркорликда аёлларимизнинг фаоллиги ошиб бормоқда. Ўнлаб кичик корхоналар, фирмаларни хотин-қизлар бошқармоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли янги-янги иш ўринлари юзага келаяпти.

Аёлларнинг фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда вилоят «Тадбиркор аёл» ассоциациясининг ўзига хос ўрни бор. Кейинги йилларда 72 нафар тадбиркор аёлга банк кредити берилди. Шунингдек, ассоциация томонидан «Барака» кредит уюшмасининг ташкил этилганлиги ҳам айти мўддао бўлди. Эндиликда тадбиркор аёлларни банк кредитлари билан таъминлаш бирмунча осонлашади.

Зухра ҲАЙДАРОВА.

Божхона хизмати: яқун ва режалар

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қўмитанинг шу йил биринчи чорагидаги фаолияти якунлари ва божхона органлари олдидан турган долзарб вазифалар муҳокама этилди.

Қўмита раиси Б.Парпиев бошқарган ушбу йиғилишда жорий йилнинг биринчи чорагида божхона органлари томонидан мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, ички истеъмол бозорини сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, товар-моддий бойликлар, айниқса, озиқ-овқат, қўндалик эҳтиёж моллари, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, рангли металлари қонунга ҳилоф равишда чегараларимиз орқали олиб ўтилишининг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Жумладан, қўрилган чора-тадбирлар натижасида белгиланган истикбол режа кўрсаткичларининг бажарилиши таъминланиб, давлат бюджетига 63 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ундирилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даври билан таққосланганда 23 миллиард сўм кўп демакдир.

Йиғилишда ходимлар орасида хизмат интизомини қучайтириш, шахсий таркиб сафларини таъмагир шахслардан тозалаш бўйича ҳам чора-тадбирлар қўрилаётгани қайд этилди. Божхона органларига иқтидорли, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий билимларга эга бўлган ёшларни жамлаш мақсадида жорий йил биринчи чорагида 234 нафар ходим хизматга қабул қилинди.

Йиғилишда божхона қонунчилиги бузилишининг олдини олиш, контрабандага қарши кураш, божхона тўловларини ўз вақтида ва тўлиқ ундириш борасидаги ишларни янада фаоллаштиришга оид вазифалар белгилаб олинди.

Бехзод НОРБОВЕВ,
ЎЗА мухбири.

Муаммо

МАҲКАМ ФЕРМЕРГА НИМА ҲАЛАҚИТ БЕРАЯПТИ

Оққўрғон туманида ўтган йили 523 та деҳқон фермер хўжалиги фаолият кўрсатди. Улар пахта ва галла етиштириш ҳамда давлатга сотиш шартнома режаларини ортиги билан уддалашди. Иккинчи томондан фермер бўлман, деб ариза бераётганлар йилдан-йилга кўпайиб бораёпти. Бу яхши.

Аммо, уларнинг деярли 95 фоизи деҳқончиликни танлаяпти. Чорвадор-фермер бўлиш истагида мурожаат этаётганлар эса, йўқ ҳисоби. Бунинг боиси нимада? Ахир чорвачиликни ҳам ривожлантириш, аҳолини арзон ва сифатли гўшт ҳамда сут маҳсулотлари билан таъминлаш керак-ку. Тумандаги бармоқ билан санарли чорвадор-фермерлар билан суҳбатлашсангиз, бу саволга жавоб топасиз.

— Ўттиз беш йилдирки, чорвачилик соҳасида меҳнат қилиб келаман, — дейди Маҳкам Соурбоев. — Касбим — зоотехник. Шу сабабли соҳанинг сир-асрорларини яхши биламан. 1997 йилда «Тадбиркорбанк»дан кредит олиб, фермер хўжалигини ташкил этдим. 80 бош йирик ва майда қорамолимиз бор. 30 гектар ерда чорва учун озуқа етиштирамиз. Техникамиз ҳам етарли: 2 та МТЗ-80 русумли трактор, урим комбайнига эгамиз. Лекин, гоҳида «бор-ей»

деб ҳаммасидан воз кечиб кетгим келади-ю, оқибатини ўйлайман. Одамлар қайни нима дейди? — дейман ўзимга ўзим. — Маҳкамбой шунча меҳнат, маблағ сарфлаб молхоналар қурди, қорамол сотиб олди. Аммо, меҳнатига чидолмапти-да, деб айтишмайдимиз? Кел, қўй, дейман яна, ишлар изга тушиб кетар...

Шу пайт эшик тақиллаб қолди. Хонадон соҳибни «мен ҳозир» дея эшикка чиқиб, бир киши билан қайтиб кирди:

— Бу йигит — Абдулҳақ Абдурахмонов, менинг ён қўшим, — деди у меҳмонни таништириб. — Биз ҳамкасбмиз. «Абдулла» фермер хўжалигининг бошлиғи. Саксондан ортиқ қорамоли бор. Бу укам иккимизнинг дардимиз бор.

— Қандай дард?

— Бизни омукта ем масаласи қийнаб юборди. Фонд ўз вақтида берилмапти. Бир йилга бор-йўғи 50 тонна бериша-

Dushanba

21

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.25 «Туртинчи ҳокимият».
9.40 «Бир кулишайлик».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 «Пан Кляксанинг саргузаштлари». Бадий фильм. 1-қисм.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
11.55, 13.55, 16.00 ТВ анонс.
12.05 «Спорт оламида».

«Болалар сайёраси»:

12.55 1. «Санъат гунчалари».
2. «Олтин тоғ».
Телевизион ўйин.
14.10 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
14.30 Кундузги сеанс: «Императорнинг сунгги фармони». Бадий фильм.
16.05 «Қалб гавҳари».
16.25 «Камила». Телесериал.
16.55 ТВ клип.
17.05 «Яхшилар ёди».
17.25 «КиноТеатр».
17.45 «Шифобахш маскан».
18.10 «Япония: Буюк табиркорлар». Хужжатли телесериал премьераси.
18.35 «Ифтихор».
18.55 «Олтин мерос».
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртакла-

ри.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 2003 йил – Обод маҳалла йили.
«Кўпчилик қаторида».
21.40 ТВ клип.
21.50 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Киш сонатаси». Телесериал.
23.00 «Кўшигимиз Сизга армуғон».
23.15 «Ахборот-дайжест».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси: Уй вази-фаси, Олтин калит, Мультфильм.
10.50 Уйна, болажон уйна.
11.05 «Давр»-news.
11.25 Жаҳон жуғрофияси.
12.15 Бир ўлкаки.

12.35 «Бу шунақа ўйин». Бадий фильм.
14.05 Саломат бўлинг.
14.25 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
14.50 Узимизники.
15.00 «Давр» ҳафта ичида.
15.30 ТВ-анонс.
15.35 «Ақлдан оздира-диган ўйинлар». Сериал.
16.00 Спорт ҳафтано-маси.
16.15 «Учинчи сайёра». Маърифий дастури.
17.05 «Қадрият» туркумидан: Гавҳар Матқубова 1-қисм.
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» почтаси, Болалар шеърияти.
17.55 Кўёшли юрт одамлари.
18.10 Белида белбоғи борлар.
18.30 Минг бир маслаҳат.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.

19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ёшлар овози.
20.00 Мехр кўзда.
20.40, 21.25, 22.35 Ўзлонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Кишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
Танаффус пайтида – 24.00 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Мухаббат риштаси».
17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 Болажонлар экранни.
18.30, 20.00, 21.10 22.10 «Пойтахт».
Ахборот дастури.

18.50 «Спорт ва болалар».
19.25 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.50 «Auto-news».
20.25 ТТВда сериал. «Мафтункор аёл».
21.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
22.35 Кинонигоҳ. «Ой нури агентлиги». 11-12-сериялар.
00.15-00.20 Хайрли тун, шахрим!

«Халқаро» телеканали

16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мультсеанс».
16.20 «Вести».
16.35 CFI такдим этади: «Еввойи хайвонлар туркумидан».
17.15 «Евроныус» янгилар.
17.25 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Мени кутгил».
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.00 «Время».

20.35 «Сўнгги қахрамон-3».
21.40 «Бизнес ревью».
21.45 «Спорт масканларида».
22.00 CFI такдим этади: «Асрнинг буюк инсонлари».
22.50 Кинематограф. «Кабелчи». Бадий фильм.
00.20 «Ахборот» (рус тилида)
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал**16.55гача профилактика ишлари.**

16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 «Маърифий дастур». 17.40, 20.45 «Телехамкор».
18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Қопқон».
19.30 «Ошиқона» мусикий дастури. 19.45 «Қонун номидан». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Жиян». 23.15 «30-канал»да спорт.

Seshanba

22

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Фанимиз истиқболлари».
9.20 «Зарғалдоқ». Мультфильм.
9.40 «Олтин бешик».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 «Тафсилот».
10.25 «Пан Кляксанинг саргузаштлари». Бадий фильм. 2-қисм.
11.40 «Нурли манзиллар».
12.05 «Кўпчилик қаторида».
12.40 ТВ клип.
12.50 «Киш сонатаси». Телесериал.
14.10 «Муносабат».
14.50 «Адабий жараён».
15.10 «Фарзанд –

умид юлдузи».

15.35 «Оламини асранг!»
15.55 «Талабалик йилларим».
16.15 «Ифтихор».
16.35 «Кўшигим-жон кўшигим».
17.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Баркамол авлод орзуси».
18.25 «Репортаж».
18.30 Бир жуфт кўшиқ.
18.40 «Муштарак манфаатлар».
19.00 «Бир жиноят изидан».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилар» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сиёсат оламида».

21.25 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Киш сонатаси». Телесериал.
22.35 «Солиқ ва биз».
22.50 ТВ клип
23.00 Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси қундалиги.
23.20 «Ахборот-дайжест».
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» почтаси, Болалар шеърияти.
9.40 «Учинчи сайёра сири». Мультфильм.
10.25 ТВ-анонс.
10.30 «Африка филлари». Хужжатли фильм.
11.20 Ёшлар овози.
11.40 «Гвадалупе». Телесериал.
12.20 Кўёшли юрт одамлари.
12.35 Интерфутбол.
14.15 «Ўзбекистон табиати» («Ўзбекте-

лефильм»)
14.35 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
15.00 Кишлоқдаги тенгдошим.
15.20 «Шавкатли рицар Айвенго ҳақида қисса». Бадий фильм.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
17.05 ТВ-анонс.
17.10 «Қадрият» туркумидан: Гавҳар Матқубова 2-қисм.
17.30 Осиё чемпионлар лигаси ярим финал «Пахтакор» – «Бек Торо Сасана» (Таиланд) «Пахтакор» марказий стадионидан олиб кўрсатилди.
19.15 Кўҳна оҳанглар.
19.25, 21.55 Иқлим.
19.30 Давр.
20.05 Давр-интервью.
20.20 Марди майдон.
20.40, 21.25, 22.35 Ўзлонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.

21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Нокаут.
23.35 Давр.
23.50 «Ура» Қисқа метражли бадий фильм.
0.15-0.20 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «ТТВда сериал. «Мухаббат риштаси».
17.55, 19.15, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 Болажонлар экранни.
18.30, 20.00, 21.10, 22.10 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Ҳамшаҳарлар».
19.35 «Хотира». О. Қосимов.
20.25 ТТВда сериал. «Мафтункор аёл».
21.30 «Бурч ва маъсулият».
22.35 Кинонигоҳ. «Ой нури агентлиги». 13-

14-сериялар.
00.15-00.20 Хайрли тун, шахрим!

«Халқаро» телеканали

Биринчи канал. 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 CFI такдим этади: «Еввойи хайвонлар туркумидан».
17.15 «Евроныус» янгилар.
17.25 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Жонли табиат».
19.15 «Аншлаг».
20.00 «Время».
20.40 «Ўзга ҳаёт».
Сериал.
21.45 «Бизнес ревью».
21.50 «Хроника».
22.05 «Соғинч».
22.25 FCN «Ўзбекистон янгилар» (инглиз тилида)
22.35 Кинематограф. «Кичик сузувчи».

Бадий фильм.
00.05 «Ахборот» (рус тилида)
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 15.00, 17.40, 20.45 «Телехамкор».
9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40 «Маърифий дастур». 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Африка-экспресс». 13.30 «У котилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30-канал»да спорт. 16.50 «Дискавери соати». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Катта ўғирлик». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Қонун номидан». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Асира». 23.15 «Рестлинг титанлари».

Chorshanba

23

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Симфоник мусика дунёси».
9.20 «Баркамол авлод орзуси».
9.40 «Бахтимизга омон бўлинг».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 «Муштарак манфаатлар».
10.25 «Мовий тоғлар ёки ҳақиқатдан узок воқеа». Бадий фильм.
11.55 ТВ анонс.
12.05 «Бир жиноят изидан».
12.30 Болалар учун. «Фламинго».
12.50 «Киш сонатаси». Телесериал.
14.10 «Сиёсат оламида».
14.30 Кундузги

сеанс: «Вена почта маркаси».

Бадий фильм.
15.50 «Остонаси тиллодан».
16.10 «Ягона оилада».
16.40 «Портретга чизгилар».
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Юграмиз-чопамиз».
2. «Шоирлар-болаларга».
18.10 «Сиҳат-саломатлик».
18.30 «Умид». Телелотерея.
19.00 Бир жуфт кўшиқ.
19.10 «Истеъмолчи».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессияси олдида. «Парламент вақти».

21.25 ТВ клип.
21.35 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.05 «Саҳна ҳаёти».
22.30 «Келин-куёв». Телешоу.
23.25 «Ахборот-дайжест».
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
9.35 ТВ-анонс.
9.40 Давр-интервью.
9.55 «Забралар».
Хужжатли фильм.
10.50 Солиқ ҳақида сабоқлар.
11.05 «Чекиш-соғлиқка зарар». Телесериал.
11.15 Ёшлар овози.
11.35 «Гвадалупе». Телесериал.
12.15 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Нокаут 2. Теннис.

13.20 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
13.45 «Учинчи сайёра». Маърифий дастури.
14.35 «Ақлдан оздира-диган ўйинлар». Сериал.
15.00 ТВ-анонс.
15.05 «Кузги марафон». Бадий фильм.
16.35 Кўрсатувлар дастури.
16.40 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
17.00 «Мульттомоша».
17.15 Болажон.
17.30 ТВ-анонс.
17.35 Ёш табиркор.
17.50 Рақслар гулдас-таси.
18.00 Ёшлар овози.
18.20 Автопатрул.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ракурс.
20.00 Спорт-лото.
20.10 «Момо ер».
Маърифий фильм 4-қисм.
20.35 Кўҳна оҳанглар.
20.40, 21.25, 22.35

Ўзлонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Чемпион сирлари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
Танаффус пайтида – 24.00 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «ТТВда сериал. «Мухаббат риштаси».
17.55, 19.15, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Болажонлар экранни».
18.30, 20.00, 21.10, 22.15 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Мусикий меҳмонхона».
19.35 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
20.25 ТТВда сериал.

«Мафтункор аёл».
21.30 «Тв плюс».
22.35 Кинонигоҳ. «Ой нури агентлиги». 15-16-сериялар.
00.15-00.20 Хайрли тун, шахрим!

«Халқаро» телеканали

Биринчи канал. 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 «Дунё мамлакатлари».
16.35 CFI такдим этади: «Еввойи хайвонлар туркумидан».
17.15 «Евроныус» янгилар.
17.25 К. Петросянининг Кулгу панорамаси.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Олам бўйлаб».
19.45 «Ҳинд оҳанглари».
20.00 «Время».
20.45 «Ўзга ҳаёт».
Сериал.
21.45 «Бизнес-ревью».
21.50 «Спорт технологияси».
22.10 Кинематограф.

«Тубсизлик».
Бадий фильм.
00.20 «Ахборот» (рус тилида)
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор».
9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40, 16.00 «30»да спорт. 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Навқирон Геркулес» фильм. 13.30 «У котилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30»да спорт. 16.50 «Дискавери соати». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Махфий агент Ройс». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Қонун номидан». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Уткир тишлар». 23.15 Спорт дастури.

Payshanba

24

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Юграмиз-чопамиз».
2. «Шоирлар-болаларга».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 «Истеъмолчи».
10.20 «Мис тоғ бекаси». Бадий фильм.
11.40 «Ўзбекистон бастакорлари».
12.05 «Ғаройиб бочка». Мультфильм.
12.15 ТВ анонс.
12.20 В. Шекспир. «Отелло» спектакли.
1-2-қисмлар.
14.10 «Сиҳат-саломат-

лик».
14.30 «Кувноқлар ва зукколар».
15.20 «Мухлис ёхуд кўшиқ изидан».
15.40 «Саҳна ҳаёти».
16.05 «Камила». Телесериал.
«Болалар сайёраси»:
16.35 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».
2. «Бешбармоқ».
17.35 «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!»
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
18.30 Бир жуфт кўшиқ.
18.40 «Чанқовуз оҳанглари».

19.00 Репортаж.
19.05 «Соғлом она – соғлом бола».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилар» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида.
22.35 Санъат усталари ва ёш ижрочилар

концерти.
22.55 «Спорт, спорт, спорт».
23.10 «Ахборот-дайжест».
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
9.35 Болажон.
9.50 ТВ-анонс.
9.55 Тафаккур ёлқинлари.
10.10 Спорт-қитъаси

(рус тилида)
10.40 Чемпион сирлари (рус тилида)
11.00 «Баҳор» («Ўзбек-телефильм») кизлари.
11.10 Ёшлар овози.
11.30 «Гвадалупе». Телесериал.
12.10 Ёш табиркор.
12.25 Интерфутбол.
14.05 Ракурс.
14.25 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
14.50 Автопатрул.
15.10 Болалар экранни: «Бинафша ранг шар».
16.25 Кўрсатувлар дастури.
16.30 «Янги авлод»

студияси: Катта танаффус, Мультфильм.
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Огоҳ.
17.30 «Машхура» кизлари.
17.45 «Умр дафтари» туркумидан: Ботир Зокиров 1-қисм.
18.10 Ёшлар овози.
18.30 Табобат оламида.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-интервью.
19.50 ТВ-анонс.
19.55 Ватан ҳақида кўшиқ. ►

20.00 "Момо ер".
Маърифий фильм
5-қисм.
20.25 Куткарув "050".
20.40, 21.25, 22.35
Эълонлар.
20.45 "Гвадалупе".
Телесериал.
21.30 Мезон.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 "Рей Брэдбери
театри". Сериал.
23.10 "Ешлар".
телеканалда спорт:
Интерфутбол

Танаффус пайтида -
24.00 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!
**«Тошкент»
телеканал**
17.10 Курсатувлар
тартиби.
17.20 ТТҮда сериал.
«Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.10, 22.00
«Экспресс» телега-
зетаси.
18.15 «Болажонлар
экрани».
18.30, 20.00, 21.10,
22.20 «Пойтахт».
Ахборот дастури.

18.50 «Биз ва бола-
лар».
19.30 «Хива гилами».
Телевизион фильм.
19.40 «Камолот
фасли».
20.25 ТТҮда сериал.
«Мафтункор аёл».
21.30 «Умр йўлдоши».
22.45 Кинонигоҳ. «Ой
нури агентлиги». 17-
18-сериаллар.
00.25-00.30 Хайрли
тун, шахрим!
**«Халқаро»
телеканал**
Биринчи канал. 6.30-

8.00
16.00 Курсатувлар
тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 «Мультсеанс».
16.35 CF1 такдим
этади: «Еввойи
хайвонлар» туркуми-
дан.
17.15 «Евроныйос»
янгиликлари.
17.25 «Ажойиб
инсонлар ҳаёти».
Ю. Яковлев.
18.00 «Ишонч ва
муҳаббат замини».
Сериал.

19.00 «Кулгу хонаси».
19.45 «Муз зопе».
20.00 «Время».
20.40 «Узга ҳаёт».
Сериал.
21.45 «Бизнес ревью».
21.50 «Ишбилармон
кишилар».
22.10 «Юқори техно-
логиялар олами».
22.20 «Соккер клуб».
22.40 FCN «Ўзбекис-
тон янгиликлари»
(инглиз тилида)
22.50 Кинематограф.
«Қаҳрамон». Бадий
фильм.

00.35 «Ахборот» (рус
тилида)
1.05 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очи-
лиши. 9.05, 17.40,
20.45 «Телехамкор».
9.30, 14.10 Болалар
соати. 10.15 «Пауэр
Рейнджерс ёки кучли
рейнджерлар» Сериал.
10.40, 16.00 «30»да
спорт. 11.10 «Тез
ёрдам». Сериал. 12.00
«Телбалар билан саё-
хат». Комедия. 13.30 «У

котилликни баён
этиди». Телесериал.
15.00 Телешоу. 16.50
«Дискавери соати».
18.00 «30-канал» кино-
оқшом: «Қироличага
хужум». 19.30 «Ошико-
на». Мусикий дастур.
19.45 «Қонун номи-
дан». Сериал. 21.05
«Клип-совга». Теле-
табрикнома. 21.20
«Хайрли тун, кичкин-
тойлар!». 21.30 «30-ка-
нал» кинооқшоми.
«Бўрондан сунг». 23.15
Спорт дастури.

Juma

25

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахбо-
рот».
8.35, 17.55 ТВ
маркет.
8.40 Газеталар
шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Сехрли
ҳарфлар оролчаси».
2. «Бешбармоқ».
10.00, 12.00, 14.00,
18.00 Янгиликлар.
10.05 «Қайсарнинг
куюлиши». Бадий
фильм.
11.35 «Чанқовуз
оҳанглари».
11.55, 15.55 16.40
ТВ анонс.
12.05 «Санъатга
бахшида умр».
12.25 «Оталар сўзи -
ақлнинг кўзи».
13.25 «Олам».
Телеальманах.
14.10 «Спорт, спорт,
спорт».

14.25 Кундузги сеанс:
«Малина виноси».
Бадий фильм.
16.00 «Ўзбекистон: XXI
аср ёшлари».
16.20 «Шахс ва
жамият».
«Болалар сайёраси»:
16.45 1. Болаликнинг
мовий осмони.
2. Ха, Ха, Ха.
3 «Уйла, Изла, Топ!»
Телемусобақа.
18.10 «Тиббиёт
одимлари».
18.25 Эстрада тарона-
лари.
18.45 «Тафсилот».
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 Оқшом эртакла-
ри.
20.15 Бир жуфт
қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 Иккинчи чақи-
рик. Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлисининг XI

сессиясида.
22.05 «Ватан мадҳи».
22.25 «Ўзбекистон»
каналида илк маро-
таба: «Камила».
Телесериал.
22.55 «Бир умр
хамроҳим». Спорт
дастури.
23.25 «Ахборот-
дайжест».
23.45-23.50 Ватан
тимсоллари.
**«Ёшлар»
телеканал**
8.55 Курсатувлар
дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод»
студияси: Катта
танаффус, Мульт-
фильм.
9.55 ТВ-анонс.
10.00 «Давр»-интер-
вью.
10.15 «Орзулар
қанотида» ("Ўзбекте-
лефильм")
10.30 Минг бир
маслаҳат.
10.50 Ёшлар овози.
11.10 «Гвадалупе».
Телесериал.
11.50 Мезон.
12.10 Интерфутбол.
13.50 Мутоиба.

14.20 «Рей Брэдбери
театри». Сериал.
14.45 «Машхура»
кизилари.
15.00 «Ақлдан оздира-
диган ўйинлар».
Сериал.
15.25 ТВ-анонс.
15.30 «Учинчи сайё-
ра». Маърифий
дастури.
16.20 Курсатувлар
дастури.
16.25 «Янги авлод»
студияси: У ким? Бу
нима?, Мультфильм.
17.00 Дунё ажойибот-
лари.
17.20 Олов билан
юзма-юз.
17.35 Менинг маҳал-
лам.
17.55 «Умр дафтари»
туркумидан Ботир
Зокиров 2-қисм.
18.20 Аскар мактубла-
ри.
18.40 «Coscom»
хабарлари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Қишлоқдаги
тенгдошим.
20.00 Азимим.
20.25 Кўҳна оҳанглр.
20.35, 21.20, 22.35

Эълонлар.
20.40 «Гвадалупе».
Телесериал.
21.25 Фикр.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Рей Брэдбери
театри». Сериал.
23.10 «Ёшлар» телека-
налида спорт дасту-
ри: 1. Ринг қиролла-
ри, 2. Футбол плюс.
0.30 Давр.
0.45 «Сиртлонлар».
Хужжатли фильм.
1.35-1.40 Хайрли тун!
**«Тошкент»
телеканал**
17.10 Курсатувлар
тартиби.
17.20 ТТҮда сериал.
«Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.10, 22.10
«Экспресс». Телега-
зетаси.
18.15 «Навнихол».
18.30, 20.00, 21.10,
22.30 «Пойтахт»
ахборот дастури.
18.50 «Билим» телеклуби.
19.30 «Эл хизматида».
19.45 «Мохир».
20.25 ТТҮда сериал.
«Мафтункор аёл».
21.30 «Хангома».
22.55 Кинонигоҳ. «Ой

нури агентлиги». 19-
20-сериаллар.
00.35-00.40 Хайрли
тун, шахрим!
**«Халқаро»
телеканал**
Биринчи канал. 6.30-
8.00
16.00 Курсатувлар
тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 «Дунёнинг янги
муъжизалари» Сериал.
16.45 CF1 такдим
этади: «Еввойи
хайвонлар» туркуми-
дан.
17.25 Хужжатли
детектив.
18.00 «Ишонч ва
муҳаббат замини».
Сериал.
18.50 «Муъжизалар
майдони».
20.00 «Время».
20.35 «Бизнес ревью».
20.40 «Дурдаршан».
21.10 «Услуб».
21.25 «Хит парад».
21.45 «Яшаш восита-
си».
22.00 «Юлдуз билан
учрашув».
22.15 «Тунги навбат-
чилик».
22.30 Кинематограф.
«Ягуар». Бадий

фильм.
24.00 «Ахборот» (рус
тилида)
00.35 «Тунингиз
осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очи-
лиши. 9.05, 17.40,
20.45 «Телехамкор».
9.30, 14.10 Болалар
соати. 10.15 «Пауэр
Рейнджерс ёки кучли
рейнджерлар» Сериал.
10.40 «Жониворлар-
нинг ажойиб олами».
11.10 «Тез ёрдам».
Сериал. 12.00 «Ақлдан
озиш». Комедия.
13.30 «У қотилликни
баён этди». Телесери-
ал. 15.00 Телешоу.
16.00 "30" да спорт.
16.50 «Дискавери со-
ати». 18.00 «30-кана-
л»да ринг қироллари.
18.50 Юмор дастури.
19.30 «Ошикона». Му-
сикий дастур. 19.45
«Қонун номидан». Се-
риал. 21.05 «Клип-со-
вга». Телетабрикнома.
21.20 «Хайрли тун,
кичкинтойлар!». 21.30
«30-канал» кинооқшо-
ми: «База-2». 23.15
Спорт дастури.

Shanba

26

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар
шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Болаликнинг
мовий осмони».
2. «Ха, Ха, Ха».
3 «Уйла, Изла, Топ!»
Телемусобақа.
10.10 «Хидоят сари».
10.30 «Бу турфа
олам».
11.20 «Бир умр
хамроҳим». Спорт
дастури.
11.50 «Яшил водий
сари». Мульт-
фильм.
12.50 «Истеъдод».
13.10 ТВ 1 кинотеат-
ри: «Вашингтон
майдонидаги уй».
Бадий фильм.
14.55 ТВ анонс.
15.00 «Адабий
жараён».
15.20 «Муъжизалар
майдончаси».
Телешоу.
16.20 «Ягона оилада».

16.50 Болалар учун.
«Фламинго».
17.10 «Рангин дунё».
17.30 «Спорт олами-
да»
18.00 «Куйла, ёшли-
гим»
18.15 «Ўзбекино»
такдим этади:
«Риштон муъжизаси».
18.25 «Қишлоқ ҳақида
уйлар».
18.45 «Интеллектуал
ринг». Телеуйин.
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 Оқшом эртакла-
ри.
20.15 FCN «Ўзбекис-
тон янгиликлари»
(инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Обод уйда
пок одамлар яшай-
ди».
21.25 ТВ клип.
21.35 «Гап чикди».
Телешоу.
22.25 Футбол бўйича
Ўзбекистон чемпио-
нати. «Дўстлик» -
«Навбахор».
23.15 «Ахборот-
дайжест».

**«Тунги ёғду: Дам
олиш дастури»**
23.35 «Ўзбекистон»
каналида илк маро-
таба: «Олтин сур
изидан». Бадий
фильм.
1.00-1.05 Ватан
тимсоллари.
**«Ёшлар»
телеканал**
7.55 Курсатувлар
дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод»
студияси: У ким? Бу
нима?, Мультфильм.
9.35 ТВ-анонс.
9.40 Табобат олами-
да.
10.00 Рақслар гулдас-
таси.
10.10 Огоҳ.
10.25 Ринг қироллари.
11.15 Фикр.
11.40 «Гвадалупе».
Телесериал.
12.20 Бола тилидан.
12.50 «Момо ер».
Маърифий фильм 4-
қисм.
13.15 Кутилмаган
меҳмон.
13.35 Жаҳон мусикаси
хазинасидан: «Ла
Скала» юлдузлари.
14.10 «Чархпалак».
Телевизион бадий
фильм 8-қисм.
14.55 «Момо ер».

Маърифий фильм 5-
қисм.
15.20 Азимим.
15.45 «Соҳил бўйлаб
чопаётган олапар».
Видеофильм 1-қисм.
16.25 Курсатувлар
дастури.
16.30 «Янги авлод»
студияси: Бўш
ўтирма, Келинг,
танишайлик, «Еш
истеъдодлар» турку-
мидан: Сухроб
Кенжаев куйлайди.
17.25 ТВ-анонс.
17.30 «Умр дафтари»
туркумидан Ботир
Зокиров 3-қисм.
17.55 «Момо ер».
Маърифий фильм 6-
қисм.
18.20 Саломатлик
сирлари.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр»-репор-
таж.
19.45 ТВ-анонс.
19.50 Бизнес-акаде-
мия.
20.10 Кўҳна оҳанглр.
20.20, 21.10, 22.35
Эълонлар.
20.25 «Чархпалак».
Телевизион бадий
фильм 5-қисм.
21.15 Оҳанрабо.
22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.
22.45 Кўҳна оҳанглр.
22.55 Кинотакдим.
23.15 «Ёшлар» телека-
налида премьера:
«Шамолларда қолган
хисларим». Бадий
фильм 1-қисм.
1.10-1.15 Хайрли тун.
**«Тошкент»
телеканал**
17.10 Курсатувлар
тартиби.
17.20 «Мультчархпа-
лак».
17.40 «Жаҳон геогра-
фияси».
18.10, 20.10, 20.50
«Экспресс». телега-
зетаси.
18.30 «Афиша».
18.50 «Хонобод».
Манзарали фильм.
19.00 «Пойтахт».
Шанбадан-шанбагача
(рус)
19.25 «Табриклаймиз-
кутлаймиз».
20.00 «ТВ мадад».
20.30 «Хусусийлашти-
риш: кадам-бақа-
дам».
21.10 «Нима учун?»
21.40 Кинонигоҳ.
«Худди ота-боладек».
23.00-23.05 Хайрли
тун, шахрим!
**«Халқаро»
телеканал**
9.10 Курсатувлар

тартиби.
9.15 «Лаззат».
9.35 Е. Петросяннинг
Кулгу панорамаси.
10.15 «Уйга қайтиш».
11.00 «Покахонтас».
Мультфильм.
11.25 Болалар соати:
«Буратино». Бадий
фильм. 2-қисм.
12.45 «Юзга бир».
13.30 Кинематограф.
«Мел». Бадий
фильм.
15.00 - 16.00 Дўстлик
видеоанали: «Бағри
кенг Ўзбекистон».
«Умид», «Немис
шаҳри».
16.30 Курсатувлар
тартиби.
16.35 «Билишни
истайман».
16.55 «Лаззат сеҳри».
17.20 «Доктор Ро-
шаль». Хужжатли
фильм.
17.55 «Ким миллионер
бўлишни истайди?»
Телеуйин.
18.55 «Сўнги қаҳра-
мон-3» (сўнги
курсатув)
20.00 «Время».
20.30 «Кунгил кўнгил-
га пайванд».
21.05 «Хикоя».
21.25 «Кулгу қиролла-

ри: «Масхарабоз-
лар».
21.45 Кинематограф.
Николаас Кейдж
«Ойлали» фильми-
да.
23.35 Ахборот (рус
тилида)
00.10 «Тунингиз
осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очи-
лиши. 9.05, 17.45,
20.45 «Телехамкор».
9.30 «Деннис-шумта-
ка». Мультсериал.
10.00 Болалар учун
фильм. 11.30 «Жони-
ворларнинг ажойиб
олами». 12.00 Ойлави
кино. «Бундоқлик авли-
ёлар». 13.40 «Дискаве-
ри соати». 14.30 Хинд
киноси. «Мусофирлик-
да». 17.00 Телеуйин.
18.10 «30-канал» кино-
оқшом: «Қиморбоз».
19.45 «Ошикона». Му-
сикий дастур. 20.00
«Вовочка». Сериал.
20.30 «Клип-совга». Те-
летабрикнома. 21.05
«Урта Ер денгизи». Се-
риал. 22.00 «30-кана-
л»да кинооқшом. «Ки-
борг». 23.40 Мусикий
дастури.

Оққўрғон туманидаги 34-умумий ўрта таъ-
лим мактабининг думалоқ муҳри йўқолганли-
ги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Yakshanba

27

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак».
Болалар учун
кинодастур.
9.35 «Ғаройибот».
10.00 «Ватанимга
хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Рақибингиз
гроссмейстер».
11.30, 15.55 ТВ
анонс.
11.35 «Интеллектуал
ринг». Телеуйин.
12.15 ТВ 1 кинотеат-
ри: «Сабрина».
Бадий фильм.
14.15 «Кўҳна замин
оҳанглари».
14.35 «Кувноқ
стартлар». Телему-
собақа.
15.05 «Гап чикди».
Телешоу.
16.00 Футбол бўйича
Ўзбекистон чемпио-
нати «Машъал» -
«Насаф».
16.50 «Қорақалпоқно-

ма».
«Болалар сайёраси»:
17.10 1. «Улғайиш
поғоналари».
2. «Олтин тоғ». Теле-
визион ўйин.
18.10 «Талабалик
йилларим».
18.30 Бир жуфт
қўшиқ.
18.40 «Қалб гавҳари».
19.00 «Жиз-биз».
Ҳажвий хангома.
19.25, 20.00, 20.25,
21.10 Эълонлар.
19.30 «Тахлилнома»
(рус тилида)
20.05 «Баҳор таровати».
Кинокомпозиция.
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Қўшиғимиз
Сизга армуғон».
21.35 «Пойдевор»
фильми намойиши-
дан сунг.
**«Якшанба
кинозали»:**
22.00 «Ўзбекистон»
каналида илк маро-
таба: «Кўкка сову-
рилган пул». Бадий
фильм.
23.25-23.30 Ватан
тимсоллари.

**«Ёшлар»
телеканал**
7.55 Курсатувлар
дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод»
студияси: Бўш
ўтирма, Келинг,
танишайлик, Мульт-
фильм.
9.55 ТВ-анонс.
10.00 Оҳанрабо.
10.40 Очил дастурхон.
11.05 «ФИФА» (Фут-
бол ичида, футбол
атрофида)
11.50 «Ёшлар» телека-
налида ҳарбий -
ватанпарварлик
дастури: 1. Марди
майдон, 2. Аскар
мактублари, 3.
Куткарув «050».
12.45 «Момо ер».
Маърифий фильм 6-
қисм.
13.10 Чемпион сирла-
ри.
13.30 ТВ-анонс.
13.35 «Чархпалак».
Телевизион бадий
фильм 9-қисм.
14.20 Синфдош.
14.50 «Соҳил бўйлаб
чопаётган олапар».
Видеофильм 2-қисм.
15.30 Қишлоқдаги
тенгдошим.
15.50 «Соҳил бўйлаб

чопаётган олапар».
Видеофильм 3-қисм.
16.30 Лабиринт.
16.55 Курсатувлар
дастури.
17.00 «Янги авлод»
студияси: Уй вази-
фаси, Ҳар соҳага
саёхат, Мультфильм.
17.50 Спорт ҳафтано-
маси.
18.05 Меҳр кўзда.
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 ТВ-анонс.
19.25 Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
артист Илҳом
Иброҳимов куйлай-
ди.
19.50, 20.40, 22.30
Эълонлар.
19.55 «Чархпалак».
Телевизион бадий
фильм 10-қисм.
20.45 Ватан ҳақида
қўшиқ.
20.50 «Заковат»
интеллектуал ўйини.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта
ичида.
22.35 ТВ-анонс.
22.40 Кўҳна оҳанглр.
22.50 «Шамолларда
қолган хисларим».
Бадий фильм 2-
қисм.
0.45-0.50 Хайрли тун!

**«Тошкент»
телеканал**
17.10 Курсатувлар
тартиби.
17.20 «Эртақларнинг
сеҳрли олами».
19.00, 20.10, 21.15
«Экспресс». телега-
зетаси.
19.20 «Табриклаймиз-
кутлаймиз».
20.00 «ТВ мадад».
20.30 «Жаҳон геогра-
фияси».
21.00 «Мисли гавҳар».
21.35 «Саодат калити».
21.55 Кинонигоҳ.
«Армонли муҳаббат».
23.35-23.40 Хайрли
тун, шахрим!
**«Халқаро»
телеканал**
9.05 Курсатувлар
тартиби.
9.10 Д. Криловнинг
«Йўлда ёзилмаган
кадлари».
9.30 «Ҳамма уйдали-
гида».
10.15 «Покахонтас».
Мультфильм.
10.40 «Кувноқ инглиз
тили».
10.50 «Кайфият».
Информацион дам
олиш дастури.

12.20 «Фан тайм».
12.30 «Экран зийнати
ва киймати».
12.55 «Парле ву
франсе?»
13.20 «Хусусийлашти-
риш: кадам-бақа-
дам».
13.40 «Инглиз тили
Сиз учун».
14.05 FCN «Ўзбекис-
тон янгиликлари»
(инглиз тилида)
14.15-15.35 «Дўстлик»
видеоанали: «Ди-
дар», «Айдинлар».
«Ватан сурури».
«Корейс тилини
ўрганамиз».
17.00 Курсатувлар
тартиби.
17.05 «Бинафша».
17.30 «Ўз-ўзига
режиссёр».
18.15 Е. Шифрин
бенефиси. 2003 йил.
21.50 Янгиликлар.
22.00 Бокс. Энг
кучлилар жанги
Марко Антонио
Баррера-Кевин
Келли.
22.30 «Дунёга назар».
22.45 «Тенгдошлар».

23.15 «Кинопрофи».
23.35 «Тахлилнома»
(рус тилида)
00.10 «Тунингиз
осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг
очирилиши. 9.05, 11.30,
17.45, 20.45 «Теле-
хамкор». 9.30 «Ден-
нис-шумтака». Мульт-
сериал. 10.00 Бола-
лар учун фильм. 12.00
Ойлави кино. «Эмос
ва Эндрю». 13.40
«Дискавери соати».
14.30 Кундузги кино-
зал. «Қопқонда».
16.10 Дам олиш да-
стури. 16.40 Мусикий
дастур. 17.00 Теле-
уйин. 18.10 «30-ка-
нал» кинооқшом: «Ти-
рик нарсалар».
19.45 «Ошикона». Му-
сикий дастур. 20.00
«Агентлик». Ҳажвий
сериал. 20.30 «Клип-
совга». Телетабрикно-
ма. 21.05 «Урта Ер
денгизи». Сериал.
22.00 «30-канал»да
якшанба кинооқшоми.
«Само алангаси».
23.50 Спорт шарҳи.

Вилоят ҳокимининг қарори қандай бажарилмоқда?

Ҳеч эътибор берганмисиз? Бирор ташкилот ёки хўжаликка борганингизда, аввало, шу ердаги маъмурий биноларга разм соласиз. Унинг тузилиши, шакли шомойили орқали бу ерда рахбарлик қилаётган бошлиққа баҳо берсангиз, янглишмай-сиз. Қолаверса, рахбарнинг маданияти-маънавияти у ўтирган хонадан бошланади десак, муволаф бўлмас.

АВВАЛ ЎЗ ХОНАНГГА БОҚ...

Шу маънода, вилоят ҳокимининг ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ойланини ўтказиш тўғрисидаги қарори ижросини ўрганиш мақсадида Бекобод туманига қилган хизмат сафаримиз чоғидаги дастлабки муассасага ташрифдаёқ таъбимиз тирриқ бўлди. Зеро, Бекобод педагогика коллежи директори Абдулла Элибоев ўтирган хонанинг девор шуволари кўчиб кетган, поллари синиб ётган ахволда кўриб, рахбарнинг хонаси шу алфозда бўлса, муассасанинг ҳоли не кечарди деган хулосага келишимиз табиий. Шу боис ҳам, Элибоевнинг ўтган давр мобайнида коллежда талайгина маданий-маиший ишлар амалга оширилганлиги, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилганлиги, айниқса, хашар йўли билан бинолар таъмирланаётганлиги ҳамда 100 туп ўрик ва арча ниҳоллари экилиб, меҳр билан парвариш қилинаётганлиги ҳақидаги гаплари бизга жуда эриш туюлди.

Тумандаги 49-умумтаълим мактабида бўлганимизда эса, директор хонасини... тополмадик. Бундай хонанинг ўзи йўқ. Тўғриси, у синфхонага айлантирилган экан. Айтишларича, мослаштирилган бинога жойлашган ушбу таълим муассасасида 257 нафар ўқувчи таълим

оларкан. Синф хоналари етишмаётганлиги туфайли ўқиш икки сменада ташкил этилиб, директор хонаси ҳам дарс ўтиш учун берилган.

Алоҳида хонаси йўқ рахбар бу муассасага қандай бошчилик қилаётган экан, ҳайронмиз. Мак-

таб кутубхонасида бирорта ҳам янги китоб кўрмадик, борлари ҳам титилиб кетган. Уларни ўқиш у ёқда турсин, кўлга олиб варақлашга ҳам чўчийди киши. Ўқувчиларда мутолаага ҳавас уйғотувчи тузукроқ кутубхона ташкил эта олмаётган мактаб маъмурияти ўқув-тарбиявий ишларни яхши йўлга қўяётганига, ўқувчиларнинг маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишларига катта аҳамият бераётганига ишониш қийин.

Бахтиёр Пўлатов номли 36-ўрта мактаб бизда бир мунча

яхши таассурот қолдирди. Аммо, бу ерда ҳам мактаб кутубхонасининг китоб захиралари камлиги, даврий нашрлар ва янги китобларнинг йўқлиги каби камчиликлар, шунингдек, компьютер хонасининг мутахассис ўқитувчи йўқлиги туфайли кўпдан буён чанг босиб ётганлиги бизни ажаблантирди.

«Бекобод» ширкат хўжалиги ҳудудидаги муассасалар билан танишиш учун у ерга борганимизда, хўжалик бошқаруви идорасини кўриб, бошқа жойлар-

атрофидаги ариқ-зовурлар тозаланмаган, дов-дарахтлар оқланмаган, хўжаликда маънавият ва маданият ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Тўғри, ширкат хўжалиги ўтган йили давлатга пахта топшириш режасини бажаролмай, қарзга ботди. Декабрь ойида яна бошқарув раиси алмаштирилди. Лекин, ён-атрофни озода тутиш, янги иншоотлар қурмаган тақдирда ҳам, борларини эпакда сақлаш учун катта маблағ, кўп меҳнат ва ишчи кучи шарт эмас-ку! Хуллас, янги рахбар Алпбой Эгамбердиев энг шимариб, ишга киришмаса бўлмайди.

Шу ўринда тумандаги баъзи маданий-маърифий масканларнинг атрофи ораста эмаслиги, деворлари-ю, пештоқлари таъмирталаб бўлиб ётганлиги каби камчиликларга ҳам кўп дуч келганимизни таъкидлаб ўтмоқчимиз. Жумладан, туман ҳокимлиги ҳамда маданият бўлими ёнидаги ёзги клуб биносининг ахволига қараб бўлмайди. Ҳокимлик рўпарасидаги бинонинг ахволи шу бўлгач, қолганлари нима бўларди? Ахир бир челақ оҳақ, бир банка бўёқ анқонинг уруғи эмас-ку. Фақат озгина кунт, эътибор бўлса бас!

Яна бир гап. Ҳудуднинг кўзга кўринадиган жойларига шиорлар, эслатмалар, эълонлар ва бошқа библиотекани ўрнатиш, уларни ўз вақтида алмаштириб туриш ҳам шу мутасаддилардан дид, фаросат, маданият талаб этади. Айтайлик, Зафар кўргонига кираверишдаги бош бекат пештоқига осилган эълон 2002 йил 1 мартдан буён турганлигига нима дейсиз? Ваҳоланки, унда номи зикр этилган тадбир бундан бир йил муқаддам якунига етган...

Туманнинг баъзи хўжаликлари, улардаги маданий, маърифий ва таълим муассасаларини айланиб, бу ерда меҳнат қилаётган барча тоифадаги рахбар ходимларнинг билими, маънавий-маърифий савиясини ўстириш, қилинаётган ҳар бир ишга бўлган масъулиятини ошириш зарурга ўхшайди, деган фикрга келдик. Чунки, туман истиқболи кўп жиҳатдан уларнинг саъй-ҳаракати, масъулияти, виждоний бурчига ҳам боғлиқ.

Шавкат ҚУЛИБОВЕВ,
Даврон АҲМАД (суратлар),
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: Зафар кўргонига кираверишдаги бош бекат пештоқига осилган «тарихий» шиор, Бекобод педагогика коллежи талабалар ётоқхонаси деразасига «ўрнатилган» панжара ҳамда ёзги клубнинг таъмирталаб шифти.



ни айланмаса ҳам бўлади деган фикрга келдик. Идора таъмирга муҳтож,

туман истиқболи кўп жиҳатдан уларнинг саъй-ҳаракати, масъулияти, виждоний бурчига ҳам боғлиқ.

АЙЛАНМА ЙЎЛЛАР КИМГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА?

Ўз нафси, манфаатини ўйлаб, хорижнинг сифатсиз товарларини ноқонуний равишда республикамизга олиб кираётганлар хатти-ҳаракатини халққа, Ватанга хиёнат деб баҳолаш керак

Кейинги пайтларда ички бозорларимизни хориждан келтирилган истеъмол товарлар билан тўлдириш номақбул тамоилга айланди. Бу ҳолат қалбида ўзликни намоён этиш туйғуси кучли бўлган ватандошларимизни ташвишга солмаслиги мумкин эмас, албатта. Шу боис улар ҳукуматнинг ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилаётган сифатли товарлар билан тўлдириш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватламоқдалар.

Аввало, товар-моддий бойликларни олиб кириш ва олиб чиқиб кетишларнинг олдини олиш кучайтирилди. Сўнгги бир йил мобайнида контрабанда йўли билан олиб кираётган 2 миллиард 27 миллион сўмлик товар далилий ашё сифатида олинди. Шу йилнинг биринчи чорагида вилоят божхона хизмати ходимлари 574 та шундай қонунбузарлик ҳолатлари-

ни аниқлаб, айланма йўллар билан мамлакатимизга олиб кираётган 154 миллион 500 минг сўмлик ҳар хил товарларни мушодара қилишди. Бу ҳолатларнинг 39 таси юзасидан 68 миллион 500 минг сўмлик жиноят иши қўзғатилди.

Чегара ҳудудида жойлашган хонадонлар, айланма йўллар орқали содир этилаётган кўпгина ноқонуний хатти-ҳаракатларга барҳам берилмоқда. Лекин баъзи маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари, божхона ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматлари бу борада амалга ошираётган тадбирлар ҳануз етарли даражага кўтарилмаётир. Баъзи ҳолларда

хизмат бурчини ўташдаги но-собитлик, нопоклик ҳам қонунбузарларга қўл келмоқда.

Хориж молларини яширинча олиб келиш ҳоллари кўпроқ Тошкент туманидаги айланма йўллар, Ёштқўприқдаги хонадонлар, Навоий номли ва «Тошкент» ширкат хўжаликларидаги эътиборсизлик ва бефарқлик оқибатида содир бўлмоқда. Чегара бўйи ерларидан уй-жой қуриш учун майдончалар ажратиб берилганки, нопок шахслар кўпинча шу хонадонлар орқали божхона постларини осонгина айланиб ўтмоқдалар. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари, маҳалла оқсоқоллари бу хонадон соҳиблари ўртасида давлат

чегарасининг дахлсизлиги, ноқонуний хатти-ҳаракатлар мамлакатимиз иқтисодиётига зарар етказаяётганлиги хусусида етарли даражада тушунтириш ишлари олиб бормаетирлар.

Бундай ҳолатлар Чиноз, Зангиота, Бекобод туманлари ҳудудларидаги айланма йўлларда ҳам учраб турибди.

Табиийки, ҳозирги аҳволни бартараф этиш асосан махсус хизматчилар — чегарачилар, милиция ва божхона ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Демак, чегараларимиз дахлсизлиги, шаҳар бедарвоза эмаслигини чуқур ҳис этиш, хизмат шарафини юқори тутиш, мустақил мамла-

ГЕРМАНИЯДА МАЛАКА ОШИРАДИ

Республика Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Немис халқаро ривожланиш жамғармаси (DSE)нинг 2002 йил май ойидаги Келишув баённомасига мувофиқ жорий йилда мазкур тизимда фаолият юритаётган 72 нафар ўқитувчи Германияда малака оширади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш институти ректори Абдуваҳоб Икромовнинг айтишича, улар машинасозлик ва металлга ишлов бериш, сантехника жиҳозларини ўрнатиш ва таъмирлаш, электротехника, ахборот ва коммуникация технологиялари ҳамда автомобиль йўналиши бўйича олти ой мобайнида турли ўқув муассасалари ҳамда корхоналарида тажриба орттиради.

Айни пайтда махсус танловлардан ўтган 17 нафар ўқитувчи машинасозлик ва металлга ишлов бериш йўналиши бўйича малака ошириш жараёнининг биринчи босқичини бошлади. Улар шу йилнинг январидан Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш институтида германиялик мутахассислар ёрдамида немис тилини ўрганмоқда.

Ў.А.

АДИБ ТАЛАБАЛАР МЕҲМОНИ

Зафар кўргонига Далварзин маиший хизмат касб-хунар коллежида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг ижодий кечаси бўлиб ўтди.

Маълумки, Муҳаммад Алининг ўсмирлик йиллари Бекобод туманида ўтган. У Навоий номли 29-ўрта мактабни тамомлаб, Москвага, олий адабиёт курсига ўқишга борган.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий университети профессорлари Бегали Қосимов ва Қозоқбой Йўлдошевлар шоир ва адиб ижодий фаолияти ҳақида батафсил фикр юритдилар.

Савол ва жавобларга бой бўлган учрашувда Муҳаммад Али ўзининг янги шеърларидан намуналар ўқиб берди.

Шунингдек, шоир ўқиган 29-ўрта мактабда ҳам ана шундай тадбир бўлиб ўтди.

Гўзал СОЛИЖОНОВА.

катимиз шаън-шавкатини улуғлаш — ҳар бир ходимни шу руҳда тарбиялаш, хизмат масъулиятини кучайтириш лозим.

Шу билан бирга ички бозорни ҳимоялаш, контрабандани тугатиш фақат чегара, ички ишлар ва божхона хизматларининг ишигина эмаслигини ҳам унутмаслик керак. Туман ҳокимликлари бу борадаги ишларни мувофиқлаштиришлари, ноқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйиб, товар-моддий бойликларини айланма йўллар билан олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш йўлларига барҳам беришдек ниҳоятда муҳим ишга кенг жамоатчиликни овлантиришлари керак. Шуни ҳамиша ёдда тутайликки, Ватан сарҳадларини ишончли муҳофаза қилиш, эл манфаатларига садоқатни намоён этиш ҳар биримизнинг виждоний бурчимиздир.

Жўрабек МУРДОВ.



СОЛАНА ДАЪВАТИ

Ташки сиёсат бўйича Европа Иттифоқи (ЕИ)нинг олий вакили Хавьер Солана Вашингтонни Сурияга нисбатан муносабатни юмшатишга чақирди. Зотан, деди у, Яқин шарқдаги кескинликни пасайтириш вақти келди.

ЕИга аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари учрашувида гапириб, мазкур минтақада мушкул вазият вужудга келди, шу боис ҳамма масъулликни сезиши керак, деди олий вакил. Бундан аввал АҚШ президенти Ж.Буш Сурияни Ироқ раҳбарларини яширишда ва кимёвий қуролни қўлга киритиш учун саъй-ҳаракат қилаётганликда айблаган эди. Дамашқ қўйилган айбларни рад этмоқда.

Музокаралар Пекинда бўлади

КХДР маълум шартлар асосида АҚШ билан ўзининг ядровий қуроллари тўғрисида кўп томонлама музокаралар олиб боришга рози эканлигига шама қилган эди. Япониянинг "Киодо Цусин" ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, 23 апрель куни Хитой пойтахти Пекинда Шимолий Корея, Хитой ҳамда АҚШ вакиллари ўртасида КХДРнинг ядровий дастури борасидаги уч томонлама музокара бўлиб ўтади. Жорий йилнинг январиди КХДР ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги халқаро шартномадан чиқишини эълон қилиб, ўз ҳудудидаги атом электр станцияларидан бирини қайта ишга туширган эди. Натижада Шимолий Корея билан АҚШ маъмурияти ўртасидаги кескинлик қайта авж олиб, шу кунга қадар вазият ноаниқ қолаётганди.

Телефон орқали мулоқот

АҚШ президенти Жорж Буш Франция президенти Жак Ширак билан телефон орқали мулоқот қилди. Суҳбат чоғида икки давлат раҳбари АҚШ-Франция муносабатлари билан бир қаторда, долзарб халқаро масалалар, хусусан, Ироқда юзага келган вазият борасидаги фикрлари билан ўртоқлашди. Оқ уй матбуот котиби Ари Флайшернинг айтишича, президентлар Сурия тўғрисида кечаётган гап-сўзларга ҳам тўхталиб, бу мамлакат ўз ҳудудида Ироқ раҳбарларини қабул қилиши ва уларга бошпана бермаслиги лозимлиги борасида бир тўхтамга келган. Шу билан бир қаторда, Ж.Буш ва Ж.Ширак Яқин Шарқ минтақасидаги вазият ҳамда "Катта саккизлик" мамлакатлари раҳбарларининг Францияда бўлиб ўтувчи навбатдаги учрашуви тўғрисида фикрлашиб олган.

ЮНЕСКОнинг хайрли қадами

БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО Ироқдаги маданий бойликларни сақлаб қолишга бағишланган фавқулодда йиғилиш ўтказиши ҳақида эълон қилди. Яқин кунлар ичида маданият соҳасида энг кўзга кўринган ўттиздан ортиқ олим ва тадқиқотчи Франция пойтахтида йиғилади ва Ироқдаги маданий ёдгорликларни сақлаб қолиш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар бўйича ўз фикрини айтади.



Табиатнинг машҳур ҳайкаллари — Стоунхенж.

РЕЖА ТАСДИҚЛАНДИ



барчаси 1992 молия йили бюджетни камоматида қайд этилган рекорд рақамдан (\$ 290 миллиард) анча юқоридир.

РАКЕТА ҚУРБОНЛАРИ

Рейтер ахборот агентлигининг хабар беришича, Исроил Ҳазо минтақасига ракета ҳужуми уюштирган. Натижада беш нафар фаластинлик ҳалок бўлган, 47 киши жароҳат олган. Ўлганлар орасида ХАМАС террорчи ташкилоти етакчиларидан бири Саад-ал Арабид ҳамда унинг ўринбосари Ашраф ал-Халабийлар бор. Жаҳон жамоатчилиги ва йирик сиёсат арбоблари Яқин Шарқда барқарорлик ўрнатилишини талаб қилмоқдалар.

ЎЛИМГА ҲУКМ ҚИЛИНДИ

Уч нафар террорчи яқинда Гава-на кўрфазидан паром ўғирлаб кетган эдилар. Улар устида ўтказилган суд қарорчиларни ўлимга ҳукм қилди. Суд қарорини олий трибунал ва Куба давлат кенгаши ҳам тасдиқладилар.

ТАСАННО

Хитойда одамларни ҳайратга солишди. У ерда 139 метрлик термометр яратилди. Циншан кўли қирғоғига ўрнатилган ушбу асбоб Нанчан шаҳрининг ўзи-га хос кўригига айланди. Ҳарорат ўлчовчи ноёб қурилманинг шуълалари тунда ҳам атрофга зий бериб туради. Гинес китобига муносиб термометр хитойликларга 2 миллион юань (240 минг АҚШ доллари)га тенг)га тушди.

ҲАЛОКАТ ҚУРБОНЛАРИ

Саёҳатдан қайтиб келаётган болакайлар тушган автобус Грецияда ҳалокатга учради. 20 нафар бола нобуд бўлди, 20 нафари эса жиддий жароҳатланди.

Ё, АЛҲАЗАР

Тарихга бир назар ташласангиз, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Марокаш султони Маул Исмоил (1640-1727) дунёдаги энг серфарзанд одам бўлган экан. У 896 нафар бола кўрган. Унинг фарзандлари рўйхатини олиш учун махсус бир киши тайинланган. Султон ўғил туққан хотинига олтин устара, қизли бўлган хотинига кумуш ойна ҳадя этган. Исмоил ҳаммаси бўлиб ҳарамдагиларга 548 та олтин устара, 348 та кумуш ойна совға қилган экан.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Шарҳловчи минбари

АФИНА АНЖУМАНИ

Греция пойтахти Афинадаги халқаро анжуманлар ва кўргазмалар ўтказиладиган Заппион қасри дунёнинг қирқдан ортиқ мамлакатидан келган вакиллар билан тўлди. Бу ерда Европа Иттифоқига янги ўн давлатни қабул қилиш тўғрисидаги битимни имзолашга бағишланган тантанали маросим очилди.

Анжуманда асосий эътибор Европа Иттифоқини кенгайтиришга қаратилган бўлса-да, иштирокчилар қатори бошқа масалаларни ҳам муҳокама этишни режалаштирган. Унда Ягона Европанинг янги конституциявий лойиҳаси ҳамда иттифоқнинг тузилмавий ислохотларига бағишланган музокаралар бўлиб ўтиши кўзда тутилаётир.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси берган хабарга кўра, халқаро хавфсизликни таъминлаш ва ўзаро сиёсий-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга оид масалалар ҳам анжуманда атрофлича муҳокама қилинади.

Тадбирда БМТ Бош котиби Кофи Аннан иштирок этмоқда. Унинг асосий мақсади Ироқни тиклаш муаммосини муҳокама қилиш. К.Аннан утган ҳафта шу масала юзасидан музокара ўтказиш учун Буюк Британия, Германия, Франция ва Россияга

сафар режалаштирганди. Бироқ сафар айрим сабабларга кўра бекор қилинди.

Номзод давлатлар рўйхати 2002 йилнинг декабрида маълум бўлган эди. Аввалроқ эса мазкур мамлакатларда иттифоққа кириш масаласи бўйича аҳоли ўртасида референдум ўтказилганди.

Синхуа ахборот маҳкамаси хабарида айтилишича, янги аъзоларни қабул қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар Европарламент томонидан тасдиқланган. Энди ушбу ҳужжатни иттифоқнинг доимий аъзоси ҳисобланган 15 давлат парламенти ҳам тасдиқлаши керак. Барча ишлар кўнгилдагидек ўтгач, номзод давлатлар 2004 йил 1 майдан Европа Иттифоқининг тўла ҳуқуқли аъзосига айланади ва Европарламент сайловларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Афина анжумани кузатувчилар томонидан ижобий баҳоланмоқда. Уларнинг фикрига кўра, Европа Иттифоқининг интеграциялашуви минтақа давлатлари тараққиётида ўз самарасини бериши табиий.

Ҳозир 15 давлат Европа Иттифоқи аъзоси ҳисобланади. Эндиликда бу нуфузли иттифоққа аъзо давлатлар сони ошмоқда. Латвияда ҳам шу йил 14 сентябрь куни Европа Иттифоқига кириш масаласи юзасидан референдум ўтказилиши режалаштирилган.

Ғазилдин АРЗИЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

М
е
л
о
л
а
м
о
л
а
м
о
л
а
м

Т
у
р
ф
а
о
л
а
м

Sport

РАҚИБИМИЗ
МАЪЛУМ

Футбол бўйича олимпия терма жамоамиз 2004 йилда Афина шаҳрида ўтказиладиган нуфузли мусобақада иштирок этиш учун саралаш ўйинларига тайёргарлик кўрмоқда.

У навбатдаги босқичда Мальдив ороллари ва Эрон жамоалари ўртасидаги баҳс ғолиби билан 3 майда Тошкентда учрашиши керак эди. Мальдив футбол-

чилари Эрон футболчиларига қарши ўйнашдан воз кечганликларини расмий эълон қилдилар. Энди Ўзбекистон олимпия терма жамоаси уй-сафар тизимида

Эрон футболчилари билан икки учрашувни ўтказди. Дастлабки ўйин Тошкентда 3 майда, жавоб учрашуви 7 июнда Техронда бўлиб ўтади.

Кейинги босқичга чиққан 12 жамоа уч гуруҳга тўрттадан бўлинган ҳолда уй-сафар тизимида баҳс юритади. Гуруҳ ғолиблари Афинада ўтказиладиган олимпиада ўйинларида иштирок этадилар. Гуруҳ баҳслари 30 август — 18 октябрь кунлари бўлиб ўтиши керак.

Талъат ЮСУПОВ.

Шунингдек, икки жамоанинг энг яхши ўйинчиларига кимматбаҳо совғалар берилди. Шундан сўнг тошкентликларнинг Сурхондарё вилояти «Шўрчи» жамоаси билан учрашуви бошланди. Ўйин мезбонларнинг устунлигида ўтиб, улар 4:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Тўпларни Баҳодир Файзуллаев, Олим Тўлаганов, Ақром Тўхтаевлар киритишди.

Н.ИСАЕВ.

Sport

Вилоят кубоги

ЯРИМ
ФИНАЛГА
КИМЛАР
ЧИҚАДИ?

Жами 33 жамоа баҳс бошлаган вилоят кубоги мусобақалари ҳал қилувчи босқичга кирди. Чорак финалга чиққан жамоалар ўз жуптикларидан биринчи учрашувларни ўтказдилар. Халқободнинг «Сохибкор» жамоаси «Кимёгар»ни қабул қилиб, 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Бошқа икки жуптикда мезбонларнинг қўли баланд келди. Бекободнинг «Цементчи» жамоаси «Қибрай»га 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйди. Қуйичирчиқнинг «Шоликор» жамоаси ҳам ўз майдонида «Металлург» (Олмалик) футболчиларига 1:2 ҳисобида ўйинни бой берди.

23 апрель куни ўтказиладиган жавоб учрашувларида ярим финалчилар номи маълум бўлади.

Самад ЙҮЛДОШ.

Bolalik bog'i

IKKI SAXIY

Qadim zamonda bir kishi yaxshilik bilan dovrug' taratibdi. U ekin ekan, mol boqqan, tunu-kun ter to'kkan. Ammo, topganini odamlarga ulashib beravergan. Uning xotini ham, farzandlari ham saxiyning bu xayrli ishini qo'llab-quvvatlab, uning yonida turib mehnat qilar ekanlar. Eng qiyinchilik vaqtida ham saxiy bor yo'g'ini atrofdagilarga ulashib, hammaning hojatini chiqarib turar ekan. Uning uyiga biror narsa so'rab kelgan odam hech quruq qaytmas ekan.

Shu orada qishloqda yana bir odam saxiylik qila boshlabdi. Birinchi saxiyga qarab u ham bor yo'g'ini so'nggi narsasigacha ulashaveribdi. Endi odamlar narsa so'rab ko'proq unikiga boradigan bo'lisibdi. Odamlar ikki saxiydan qaysini ko'proq saxiy deb, bir-birlari bilan bahslasha boshlabdilar, lekin bir qarorga kelmabdilar.

Shu qishloqda hamma narsani aql bilan hal qiladigan zukko bir donishmand chol yashar ekan. Odamlar uning oldiga borib:

— BuvaJon, har ikki saxiydan qaysi biri ko'proq saxiy? Shu kunlarda ko'p odamlar ikkinchi saxiyning borayaptilar. Uning odamlarga beradigan og'zidagi tishlari qoldi, xolos. Kerak bo'lsa, hatto tishlarini sug'urib berishga ham tayyor, — dedilar. — Aytinchchi kim ko'proq saxiy?

Kitobdan boshini ko'tarmay o'tirgan chol bir oz o'yab turibdida, so'ngra kelganlarga savol beribdi:

— Aytinchlarchi, birinchi saxiy narsa so'rab kelgan odamni kuzatayotganda unga nima deydi?

— Hech nima demaydi, buvaJon, — debdi hamma baravariga.

— Barakallo! — dedi chol. — Ikkinchisi-shi?

— Ikkinchi saxiy odamlar «Rahmat» deganda, «Men buni savob yo'llda qilyapman», yana «Meni duo qilsanglar, bas» deydi.

Chol kulib:

— Masala ravshan, — debdi. — Bu yog'ini o'zinglar tushunib olinglar.

Хаёт

занжири

ИНСОН УМРИ
ТИЗИМИ

Инсонлар ҳаёти бошидан охиригача олдиндан тузилган режа асосида ўтаркан. Масалан, **18 ёшдан 25 ёшгача** бўлган оралик зийраклик даври бўлиб, киши улғайган сари яна ҳам оқил, тажрибали бўлиб боради. Тадқиқотлар кўрсатишича, эркеклар **15 ёшдан 35 ёшгача**, аёллар **15 ёшдан 30 ёшгача** бўлган даврда соғлом, кучкуватга тўла бўлар экан.

30 ёшдан 35 ёшгача бўлган даврда руҳий касалликлар ривожланиши мумкин. **15 ёшдан 25 ёшгача** кишининг энг шодон туйғули, **40 ёшдан 49 ёшгача** бўлган вақт касб маҳоратининг ривожланган даври экан.

30 ёшдан 39 ёшгача бўлган муддат одатда инсон иқтидорининг ривожини учун энг кучли давр ҳисобланган экан. Нобель мукофотиغا сазовор бўлганларнинг кўп қисми **30 ёшдан ўтгандан кейин** ўзларининг каромат тухфаларини яратганлар.

40 ёшда инсон вужудига янги куч-қувват манбаи очилиб, ҳаётида катта ўзгаришлар қилишга, ҳаттоки, ҳаётини бутунлай янгидан бошлашга қодир бўларкан, **50 ёш ва ундан ўтгандан кейин** кишиларда тинчликка, бир хилликка мойиллик кучайиб, ҳаётлари осуда, бир маромда ўтишини истаб қолар эканлар.

Умуман олганда, инсон соғлом бўлса, табиат неъматларидан унумли ва оқилона фойдаланса, неча ёшда бўлишидан қатъи назар, ҳаёти доимо гўзал ва мазмунли ўтади. Демак, ҳаммаси ўзимизга боғлиқ экан.

**Кумуш
ЭГАМБЕРДИЕВА
тайёрлади.**

Мулоҳаза учун мавзу

КИМГА ТАҚЛИД
ҚИЛЯПМИЗ

Ёки нега аёллар чекади?

Матбуотимиз саҳифаларида спиртли ичимлик истеъмол қилиш, тамаки чекиш ва унинг натижасида келиб чиқадиган зарарли оқибатлар хусусида кўплаб ёзилган. Бу мавзу ҳақида фикр юритиш ҳали кўп вақтлар давом этади. Чунки, чекиш киши вужудига, хоҳ у эркек бўлсин, хоҳ аёл бўлсин, бирдек салбий таъсир қилади.

Бугунги кунда чекувчилар ҳар бир давлатда керагича топилади. Лекин, бизни ташвишга солаётган нарсаси чекиш аёлларимиз, айниқса, ёш қизларимиз орасида кўплаб учрашидир.

Пойтахтдаги Амир Темур ҳиёбони оралаб хизматга келаётган эдим. Менга қарама-қарши бир эркек ва аёл, ўрталарида 4-5 ёшлар чамасидаги қизалоқ билан келишарди. Қизалоқ гоҳ уни, гоҳ буни қизиқиб билан сўрар, катталар эса ўз режалари ҳақида баҳслашиб боришарди. Шу вақт аёл бир нарсадан асабийлашди шекилли, сумкасини очиб, бир қутти сигаретани олди ва турмуш ўртоғига узатди. Улар дарҳол сигареталарини ёндиришди. Қутти бўшади чоғи, аёл уни четга улоқтирмоқчи бўлди. Шунда қизча онасидан чиройли сигарет қутисини беришини сўради. Она бўш қутини қизчасининг қўлига тутқазди. Эр-

хотин сигаретларни чуқур-чуқур ичга тортиб, юришда давом этишди.

Бир қарашда бу оддий ҳодисадек кўриниши мумкин. Шундай манзараларга бефарқлигимиз, ўзгалар хатти-ҳаракатига лоқайдлик билан қарашимиз оқибатида кўплаб хатоликларга йўл қўймаймизми? «Қуш уясида кўрганни қилади» — деган ҳалқимизда мақол бор. Ана шу мурғак қалб, чекиш барчага баробар «неъмат» экан, деб фикрлаши табиий ҳол эмасми?



...Чамаси 8-10 ёшларда бўлсам керак. Қишлоғимизда бир кекса аёл бўларди. Бир куни мактабдан қайтаётсам, дарвозаси олдида бир стулча қўйиб, ўтирган қўйи тамакини шу қадар тутатиб чекардики, эркеклар унинг олдида ип эшолмасди. Биринчи мартаба кўрганымда тавба, аёллар ҳам чекарканми, деб ёқа ушлаган эдим. Бугунга келиб эса бу одатий ҳолга айланди. Шундай бўлишига нима сабаб? Аввало, оила, қўни-қўшни, маҳалла ва ўзимиз эмасми?

Яна бир фикр. Биз кимга тақлид қилиб яшаймиз? Ахир, биз ўша машҳур Бибиҳоним, Нодирабегим, Увайсий, Анбар отин, яна кўплаб, нафақат шарқни, балки бутун дунёни одоб-ақл, ғаж-фаросат ва доноликда лол қолдирган оқила ва аллома аёлларимизни яхши биламиз-ку. Нима учун улардан ўрганмаймиз, ўрناк олмаймиз? Ахир, дунё бир кунлик кайф-сафодан иборат эмас-ку?!

Асрор СУЛАЙМОНОВ.

Шифокор огоҳлантиради

ҚЎЗИҚОРИН МАЗАЛИ, АММО...


Вилоятимизда охириги вақтларда ёғингарчиликнинг кўп бўлиши ва офтобли кунлар билан алмашиб туриши тўғрисида ёввойи қўзиқоринларнинг ўсиб чиқиши учун қўлай шароитлар вужудга келмоқда. Улар тоғлар, дала ҳовлилар, ҳиёбонлар, ариқ ва сойлар бўйларида, шунингдек, хонадон ҳовлиларида кўплаб учраётир.

Қўзиқориннинг ёввойи турларини билмасдан улардан консервалар ва ҳар хил таомлар тайёрлаб истеъмол қилиш ўта хавфли эканлигини эсдан чиқармаслик лозим.

Вилоятимизнинг айрим шаҳар ва туманларида, жумладан, Оққўрғон, Бўстонлик, Бўка, Қуйичирчиқ, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ ва Паркент туманларида кўплаб учровчи қўзиқоринларнинг аксарияти захарли ҳисоблана-

ди. Айримлари истеъмол қилинадиган қўзиқоринларга жуда ўхшаш бўлади. Фақат мутахассисларгина фарқлаши мумкин. Оқ паганка, мухомор, сариқ тана, се-режка, шампиньонлар, шайтонча каби қўзиқорин турлари маълум шароитларда захарли хусусиятга эга бўлади.

Улар ошқозон-ичак йўлидан қонга сўрилиб, асаб тизими, юрак-қон-томир, буйрак, бош мия тўқи-



маларини жиддий жароҳатлайди.

Қариялар ва болаларда захарланиш, айниқса, ўткир бошланиб, оғир асоратларга олиб келади. Захарланиш белгилари 3-5 соатдан 20-24 соатгача яширидан даврга эга бўлиб, касаллик қаттиқ қорин оғриғи, кўнгил айнаши, қайт қилиш, титроқ, бош оғриғи, бош айланиши аломатлари билан намоён бўлади.

Зангиота туманидаги «Мустақиллик» ширкат хўжалиги жамоаси хўжаликнинг собиқ раҳбари, меҳнат фахрийси **Тожиҳон МЕЛИБОЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бундай ҳолларда зудлик билан шифокорга мурожаат этишингизни маслаҳат берамиз. Акс ҳолда беморнинг ахволи янада оғирлашиб, оғир асоратларга олиб келиши, айрим ҳолларда эса инсон нобуд бўлиши ҳам мумкин.

Шу сабабли жойларда қўзиқориндан захарланишнинг олдини олиш кучайтирилиши лозим.

А. ИСМОИЛОВ,
Тошкент вилояти давлат санитария-эпидемиология маркази овқатланиш гигиенаси бўлинмасининг мудири, тиббиёт фанлари номзоди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-80.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.
Тошкент Ҳақиқати
таҳририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.